

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА ҚЎМАКЛАШИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

753 «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2652-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сонли «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сонли «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 31 декабрдаги 01/27-26/30-сонли «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2652, 2015 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 5-сон, 60-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 6 июль,
01/19-10/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2017 йил 6 июлдаги
01/19-10/11-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг
миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг
ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш»ни
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасидаги «, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига» деган сўзлар «ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Стандарт муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш» (кейинги ўринларда стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш орқали амалга ошириладиган риэлторлик фаолиятига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.»

3. Мазкур ўзгартиришлар Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси билан келишилган.

*Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси
ижрочи директори*

А. АЛИЕВ

2017 йил 6 июль